

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2020 йил июнь ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Хашимов, М.Азимованинг котибалигида, Фарғона транспорт прокурорининг ёрдамчилари Ш.Нурматов, Т.Хамдамов, судланувчи С.О ва унинг ҳимоячиси Д.Хурулбаевнинг иштирокида, О.С.Уни айблаш ҳақидаги 1-1501-2001/237-сонли жиноят ишини кўрди,

О.С.У (O.S.U) - 1989 йил 28 июль куни Қувасой шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, [REDACTED], [REDACTED], муқаддам судланмаган, [REDACTED], иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасининг нусхасини 2020 йил 9 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, 2020 йил 4 февраль куни Фарғона вилояти ИИБ ТХТБ Охунбобоев бўлинмаси ходимлари томонидан ўтказилган кенг қамровли профилактик тадбирлар жараёнида Фарғона шаҳар, А.Қодирий кўчасида ҳаракатланиб кетаётган оқ рангли 40 К 220 QA давлат рақам белгили “Спарк” русумли автомашина тўхтатилиб, ҳайдовчи О.С.У автомашинадан тушурилиб, қидирувда бўлган А.Ғга ўхшашлиги сабабли шахсини аниқлаш мақсадида Фарғона бўлинмасига олиб келиниб, ёнлари ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида, унинг эгнида бўлган қора рангли куртқасининг чап томон чўнтагидаги целлофан пакетга солинган ҳолдаги ўткир ҳидли, кўкимтир рангли, қуритилган ҳолдаги япроқсимон моддалар борлиги аниқланган.

Ўтказилган суд кимёвий эскпертизасининг 2020 йил 5 февраль кунги 43-сонли хулосасига кўра, С.Онинг эгнида бўлган куртқасининг чўнтагидан топилган яшил рангли, ўткир ҳидли, япроқсимон моддалар таркибида фаол



гиёхванд модда – тетрагидраканнабинол мавжуд бўлиб, ушбу модда “марихуана” гиёхвандлик воситаси эканлиги ва соф оғирлиги 32,35 (ўттиз икки бутун юздан ўттиз беш) грамм эканлиги кўрсатилган.

Суд-наркология экспертизасининг 2020 йил 18 февралдаги № 27-сонли хулосасида С.Ода “Наркомания наша” наркологик касаллиги аниқланганлиги, шу сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллашга мухтож эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи С.О судда айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у, 2020 йилнинг 04 февраль куни соат тахминан 18:20 ларда ўзининг бошқарувида бўлган Спарк русумли автомашинасида Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчасида тўхтаб турган вақтида, унинг олдида фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб ўзларини Фарғона вилояти ИИБ ТХТБ Охунбобоев бўлинмаси ходимлари эканликларини, у қидирувда бўлган шахсга ўхшашлиги сабабли шахсини аниқлаш мақсадида ТХТБ Охунбобоев бўлинмасига олиб боришганлигини, у ерда шахсига аниқлик киритилганидан сўнг, ёнида тақиқланган нарсалар бўлса ўз ихтиёри билан топширишларини айтганлигини, сўнг ўз ихтиёри билан эғнида бўлган курткасининг чап чўнтагидан оқ селлофан пакетда бўлган наша гиёхвандлик воситасини тақдим қилганлигини, ИИБ ходимларига наша гиёхвандлик воситасини Қувасой шаҳар Исфайрамсой сойининг қирғоғида ёввойи ҳолда бир неча туп наша ўсимликлари ўсиб турганлигини кўриб, барглари ва бошоқларини юлиб олиб, қуритиб, ўзининг истеъмол учун целлофан пакетга солиб қўйганлигини, у “марихуана” гиёхвандлик воситасини 2019 йилнинг куз ойидан буён истеъмол қилиб келаётганлигини билдириб, суддан қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Судланувчи С.Они айби ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари қуйидаги объектив далиллар билан исботланади:

гувоҳ С.У судда ҳақиқатдан ҳам, 2020 йилнинг 04 февраль куни соат 18:00 да Қувасой шаҳар, Қори Ниёзий кўчасида яшовчи С.О исмли шахснинг ёнларини кўздан кечириш вақтида ўз ихтиёри билан холис сифатида иштирок этганлигини, С.Онинг ёнлари кўздан кечирилганида, унинг эғнида бўлган қора рангли курткасининг чап ён чўнтагидан бир дона рангсиз полимер парчасига солинган яшил рангли, ўткир ҳидли, наша гиёхвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, хатжилдга солиниб ТХТБнинг “Маълумот учун” мухри билан мухрлаб олинганлигини, С.Ога нисбатан ҳеч қандай тазйик ўтказилмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи С.Онинг айби жиноят ишидаги шахсни кўздан кечириш баённомаси (и.в.8), хонадонни кўздан кечириш баённомаси (и.в.11-13), далилий ашёни тортиб олиш баённомаси (и.в.23), судга оид кимёвий экспертиза хулосаси ва фото илова (и.в.24-26), наркология экспертизаси хулосаси (и.в.52-53), суд мажлисига келмаган гувоҳ Р.Юлдашевни дастлабки терговда берган кўрсатуви (и.в.78-79) ҳамда жиноят ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.



Суд, судланувчи С.Онинг содир этган жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Иш ҳолатлари ва жиноят иши материалларидан кўринишича, С.О, 2020 йил 4 февраль куни Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчасида оқ рангли 40 К 220 QA давлат белгили “Спарк” русумли автомашинасида ҳаракатланиб кетаётган вақтида, Фарғона вилояти ИИБ ТХТБ Охунбобоев бўлинмаси ходимлари томонидан тўхтатилиб, С.О қидирувда бўлган А.Ғга ўхшашлиги сабабли шахсини аниқлаш мақсадида ИИБ ТХТБ Фарғона бўлинмасига олиб келиниб, ёнлари холислар иштирокида кўздан кечирилганда, унинг эғнида бўлган қора рангли куртқасининг чап томон чўнтагидаги целлофан пакетга солинган ҳолдаги ўткир ҳидли, кўкимтир рангли, қуритилган ҳолдаги япроқсимон моддалар борлиги аниқланган.

Ўтказилган суд кимёвий экспертизасининг 2020 йил 5 февраль кунги 43-сонли хулосасига кўра, С.Онинг эғнида бўлган куртқасининг чўнтагидан топилган яшил рангли, ўткир ҳидли, япроқсимон моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда – тетрагидраканнабинол мавжуд бўлиб, ушбу модда “марихуана” гиёҳвандлик воситаси эканлиги ва соф оғирлиги 32,35 (ўттиз икки бутун юздан ўттиз беш) граммни ташкил этиб кўп микдор эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, Қарорнинг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи С.Ога нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг шахсини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, иш бўйича оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Шунингдек С.О гиёҳвандлик кассалиги билан оғригани сабабли унга гиёҳвандликка қарши тиббий муассасаларда мажбурий даволанишни белгилашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган соф вазни 31,35 грамм (текширишга сарфланган 1 грамм инобатга олган ҳолда) “марихуанна” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 463, 465-468, 471-474-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи О.С.У (O.S.U) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи С.Ога Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Қувасой шаҳар ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

С.Ога Ўзбекистон Республикаси ЖК 96-моддасига асосан яшаш жойидаги тиббий муассасаларда “наркомания наша” гиёҳвандлик кассалигидан мажбурий даволаниш белгилансин. Ижроси Қувасой шаҳар ИИБга юклатилсин.

С.Ога нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин, Фарғона вилоят ИИБнинг



“Ипотека банки” Фарғона филиали депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 5.000.000 сўм пуллар гаров кўювчи О.У.Қга қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг далилий ашёлар сақлаш хонасида сақланаётган 31,35 грамм (текширишга сарфланган 1 грамм инобатга олган ҳолда) “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ўн сутка ичида маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кундан, бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

имзо

Ш.Хашимов

Нусхаси аслига тўғри:

Ш.Хашимов

